









— Энг асосий хусусият шундан иборатки, юбилей фестивали конкурсли бўлади. Шу пайтатча биз кўпмала мукофотлар, дипломлар бериб келган эдик, лекин энг яхши картиналар айтилмас, голиблар аниқланмас эди. Бинобарин, мусобақалар руҳининг йўқлиги кўринкинг халқаро обрўини таъсир қилар эди. Ҳозир ривожланаётган мамлакатлар кинематографияларининг касб маҳорати анча ўсганлиги ҳам ҳисобга олинди.

Конкурсда қатнашувчи картиналарни танлаб олиш ишлари анча қатъийлаштирилди. Ўн олтинта бадий лента намойиш қилинади. Бу картиналарнинг танловининг «Тинчлик, социал тарқатил, халқлар озолиги» учун деган шiori мувофиқ келиши мумкин. Мезонир, Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонлар танишиши мумкин.

Табиат ва инсон

ТОШКЕНТ ЯШИЛ ЛИБОСИНИ ЯНГИЛАМОҚДА

Ҳозирги баҳор кунларида Октябрь ниқилоби номи хйббонда, Ленин майдониди, Тошкентнинг бошқа жойларида ақойиб манзарали ўсимликлар намуналари — Америка жука дарахти, лоласимон хушбўй дарахтлар, магнолия, турли хил арча-симон дарахтлари, оқ қайин қатнашмалари ва бошқа хил дарахт кўчатлари пайдо бўлди. Уларни Тошкентнинг яшил либосига қўйишнинг ўзбекистон ССР Фанлар Академияси ботаника ботаник олимлари тақлиф этишди.

Кейинги йилларда хйббонларимиз ва боларимизнинг яшил либосига анча хйрлашиш қолди, гулзорлар билан майсозларнинг илгарти хилма-хиллигини ном-нишон қолмаётди, дейди ЎзТАГ мухбирига лаборатория мудир, биология фанлари кандидати Н. И. Штонода. — Ҳозирги вақтда ботаника ботаника тажриба-ишлаб чиқариш плантациялари ташкил этилган бўлиб, уларда шаҳарни бекаш учун қўйлаб нодир манзарали дарахтлар ва бутта дарахтлари етиштирилимоқда. Танлаб олиш учун дарахтларимиз сироб—боғимиз Дендрариини да икки мингдан зиёд турли хил дов-дарахтни кўриш мумкин.

Шу йил кўпмалада Ўзбекистонга планетанинг турли гушларидан келтирилган манзарали дарахтлар ва бутталар Тошкентнинг ям-яшил чйройига янада чйрой қўшади. Бундай яшилзорлар йил сайин кўпая боради. Тажриба плантацияларида ботқоқ сарв дарахтлари ва қарағай, ватанимизда ва Америкада ўсадиган под-резакларнинг янги навлари, хилма-хил гулларга бурканиб турувчи лола гулли ва қишқи резавор мева ўсим-ликлари, янги нави скрель дарахти иқлимлаштирилмоқда. Манзарали богдорчилик совхози билан шартнома тузилган — совхозга уруғликлар ва парварши қилиши учун ёш ниҳоллар берилиб, плантациялар барпо этилади.

Шаҳримизнинг экология қиёфасини соғломлаштириш учун эрта баҳордан то кеч кузгача очилиб турадиган ранг-баранг ўсимликлар, айни вақтда яшилзорлар билан безанган ўзига хос боғ ана шу тарада яратилади.

БУЛОМОН ОҲАНГЛАРИ

М. Ашрафий номли Тошкент давлат консерваторияси мутахассислари кўҳна музика асбоби — буломонни қайта тикладилар. Тошкентлик музикачи А. Абдуғуфоров кўҳна чолгу асбоби ҳақидаги маълумотларни IX асрда яшаган араб олими Абу Наср Ибн Муҳаммад ал-Фаробийнинг «Музика ҳақида» деган асаридан олди. Бу асарда буломоннинг тузилиши тасвирлаб берилган. Ўзбек халқ чолгу асбоблари экспериментал лабораториясининг устаси Сирожиiddин Муҳиддинов ана шу кўҳна чолгу асбобни ясаб берди.

Мутахассисларнинг айтишларига қараганда, буломоннинг овоз пардалари, бой оҳанглари тингловчиларни мафтун этади. Бу чолгу асбобдан халқ оркестрлари таркибидигона эмас, айни вақтда классик музика ансамблларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Ал-Фаробий кўлэмаларини ўрганиш туйғайли музикашунослар илгари уд синга-ри музика асбобларини қайта тиклашга муваффақ бўлган эдилар.

ЎзТАГ.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкентда ўтказиладиган ўнчи халқаро фестивали очилишга ролпа-роса икки ой қолди. Ўйлаб мамлакатларга мазкур киноажуаманга таширф буюришни сураб тақлифномалар юборилган. Бош дирекцияга дастлабки жавоб телеграммалари кела бошлади. Масалан, жюри нийда қатнашиш учун чилилик машҳур режиссёр Мигель

кин бўлган картиналарнинг умумий сони қамаймади. Республика пойтахтининг ўн туртта кинотеатрида совет ва чет эл авторлари ленталарининг ахборот кўриги ўтказилади.

Бешта асосий соврин таъсис этилди, шу жумладан эркаклар ва аёллар роллини энг яхши ўйнаган артистлар учун ва энг яхши деб-лар учун соврин берилади-ган бўлди. «Миллий кино санъатиди миллий хусусиятларини сақлаш ва ривожлаштириш учун» деб аталувчи мулкга янги соврин ҳам тақдим этилади. Энг яхши бадий ва ҳужжатли фильмларга жамоат тақлифотларининг мукофотларини топиш-рини ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, фестивал про-граммасига Африка мамла-катларининг кейинги йил-ларда яратилган энг яхши фильмлари ва совет карти-наларини ретроспектив тарз-

да кўрсатиш ҳам киритил-ган. Анжуманда кинемато-графиячилар профессионал клуби Прок—88 иш олиб боради. Эгрн усталари ўз ҳамкасблари билан учра-шиш, Ўзбекистоннинг етти-санъати билан танишиш ик-конига эга бўладилар. «Ки-но ва кўп миллатли маданият аънавалари» симпозиуми ҳам ташкил этилади.

Кино бозори иши қайта қўрилиб, тахминий маълу-мотларга кўра, бу бозорда саксон мамлакат делегация-лари қатнашади. Улар совет ленталарини, титфироқшош рес-публикалар кинематогра-фиячилари тайёрлаган про-граммаларни кенг кўсинда кўриш имкониятига эга бўладилар. Анжуман қат-нашчиларига кейинги йил-ларда мамлакатимиз сту-ди-яларида сураатга олинган картиналар ёзилган видео-

Литтин ва кубалик актриса Дейзи Гранадос розидик бил-дирганлар. Бўлажақ фестивалнинг ўтган фестиваллардан фарқи ҳақида, Ўзбекистон кино анжуманини қабул қилишга қандай тайёргарлик кўрилатганили хусусида кўрик бош директори А. О. ТўРАЕВ ЎзТАГ мухбирига қуйидаги-ларин хйюа қилиб берди:

кассеталар тақдим этилади. Чет эл кино арбоблари бил-лан бўладиган музокара-ларда биргаликда кино қўйиш масалаларини муҳомаа қи-лиш ниятимиз бор.

Фестиваль қатнашчи-лари ва меҳмонларини ку-тиб олиш қандай ташкил этилади? — Умумининг анъанавий меҳмондўстлигини дара-жасида бўлишга ҳаракат қи-ламиз. Фестивалга тайёргар-лик қилишда республика-микнинг кўпгина шаҳарла-ридаги ўйлаб корхоналар ва ташкилотлар қатнашади.

Маданият усталари фес-тивалга ўзларининг янги программаларини тайёрла-моқдалар. Таржимонлар отрядини тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди, улар орасида кўпчилики Тош-кент олий ўқув юрти ра-нининг юқори курс студент-лари ташкил қилади. Фес-тиваль қатнашчилари учун

бериладиган совға намуна-ларини республикамизнинг турли жойларида ишловчи халқ амалий санъати уста-лари, бадий хунармандчи-лик усталари ҳозирдақ юбориб қўйдилар. Булар орасида Бухоро зарбулари тиккан Буюмлар, ёғоч ва ганг ўймакорлиги буюмла-ри, Самарқанд чинни илдиш яратувчиларининг махсу-лотлари, Шаҳрисабз тўкув-лотлари, Фаргона мисгарла-ри, Тошкент заргарлари, Риштон куллоллари юбор-ган хилма-хил буюмлар бор.

Умуман олганда, совғалар тўғрисида олдиндан гапир-иш ноқулай. Фақат шунга айт-моқчиманки, республика Енгил саноат министриги-нинг ўзи 180 номда янги буюмлар тайёрлаб қўйди. Хуллас, уч қитъа кино санъ-ати кўриги халқларнинг катта байрами сифатида ўти-ши учун ҳамма ишларни қилишимиз.



25 МАРТ СОАТ 12.00 да

М. ГОРЬКИН НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОГИДА

Бутуниттифоқ болалар ва ўсмирлар китоблари ҳафта-лиги доирасида

24-31 МАРТ КУНЛАРИ

КИТОБ БАЙРАМИ ЎТКАЗИЛАДИ

БАЙРАМ КУНИ ЎШ КИТОВХОНЛАРИНИ ҚЎИДА-ГИЛАР КУТАДИ:

- Ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар,
- адабий композициялар, викториналар,
- китоблар кўргазмалари,
- китоб ярмаркаси.

Боғ хйбонларида концерт, қўғирчоқ театри спектакл-лари намойиш қилинади. Атракционлар ишлади.

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРА-СИ.

Диккат!

110 киловаттлик юқори кучлинидаги электр тармоғи-нинг реконструкция қилиниши муносабати билан

7 АПРЕЛГАЧА

АБДУРАҲМОНОВ КЎЧАСИ БЎИЛАБ ҚОРАСАРОИ КЎЧАСИДАН УСТА-ОЛИМ КЎЧАСИГАЧА ВА МИС-КИН КЎЧАСИ БЎИЛАБ АБДУРАҲМОНОВ КЎЧАСИ-ДАН УСТА-ОЛИМ КЎЧАСИГАЧА БЎЛГАН УЧАСТКА-ДА БАРЧА ТУРДАГИ ТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИ

ТУХТАТИЛАДИ

МАРШРУТ ТРАНСПОРТИНИНГ ҲАРАКАТИ ҚЎИ-ДАГИЧА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ:

6 апрелда соат 10 дан 16.00 гача

10-ТРАМВАЙ «Образцов кўчаси—Ишчилар шаҳарча-си».

27-ТРАМВАЙ икки маршрутга ажралган ҳолда «Тош-МИ — 1-Қорақамиш» ва «1-Қорақамиш—2-Қорақамиш» доирасида ҳаракат қилади.

24 МАРТДА

10э, 85э, 88-маршрут автобуслари ва 14, 19, 152-мар-шрутти таксиларини ҳаракати Сағбон кўчаси томонидан бир йўналишда С. Раҳимов, Уста-Ширин, Бобоқонов, Касаба союзлар 50 йиллиги, Қорасарой, Абдураҳмонов кўчалари ва у ёғига ўз маршрутлари бўйлаб ташкил эти-лади.

24 МАРТДАН 7 АПРЕЛГАЧА

10э, 85э, 88-маршрут автобуслари ва 14, 19, 152-мар-шрутти таксиларини ҳаракати Сағбон кўчаси томонидан Қорасарой, Касаба союзлар 50 йиллиги, Бобоқонов, Уста-Ширин, Ойбек, Абдураҳмонов кўчалари ва у ёғига ўз маршрутлари бўйлаб ташкил этилади.

93-маршрут автобус ҳаракати Жомий майдон то-монидан Касаба союзлар 50 йиллиги кўчасига қадар қисқар-тиралади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ-НИНГ БАРЧА ТУРДАГИ ШАҲАР ПАССАЖИР ТРАНСПОРТИ ИШИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БОШҚАРМАСИ (телефон: 34-84-36).

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЕХНИКУМИ

8-синфин битирган ўқувчиларни — 1 КУРСГА, 10-синфин битирган ўқувчиларни — 2 КУРСГА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЕХНИКУМ ТЕПЛОВОЗ ХЎҲАЛИГИ, ИЗОТЕРМИН ҲАРАКАТ СОСТАВИ ВА СОВУШТИ ХЎҲАЛИГИ, СИМ ОРҚАЛИ АЛОҚА (фақат 10-синф базасида), ТЕ-МИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА АВТОМАТИКА ВА ТЕ-ЛЕМЕХАНИКА, РАДИО АЛОҚА ВА РАДИО ЭШИТ-ТИРИШ (фақат 10-синф базасида), ЭЛЕКТР-ТОРТИШ ХЎҲАЛИГИ, ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ВА ЭНЕРГЕ-ТИКА ХЎҲАЛИГИ ИХТИСОСИЯТЛАРИ БЎИЧА ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЕХНИКАЛАРИНИ ТАЙЕР-ЛАЙДИ.

Аризалар 30 ёшгача бўлган барча гражднлардан — 1 июлдан 31 июлга (10-синфин битирганлардан — 14 августгача) қабул қилинади.

Қабул имтиҳонлари — 1 августдан 20 августгача ўта-ди.

Бошқа шаҳарлардан келган ўқувчилар ётоқхона би-лан таъминланади.

ТЕХНИКУМДА СИРТҚИ БЎЛИМ МАВЖУД.

Техникум адреси: 700167, Тошкент шаҳри, 2-Сарикул кўчаси, 3-уй (1, 2, 5, 8, 9, 10, 24, 26-трамвайларнинг «Сарикул» кўчаси ёки «Будёний» кўчаси бекати); (55, 66-автобусларнинг «Темир йўл техникуми» бекати). Те-лефонлар: 32-40-85, 99-05-32.

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ—ОЛИЙ ҲИММАТИ

«ТАШЖИЛРЕМОНТ» ТРЕСТНИНГ ҚАЙТАДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

3-РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ (3-РСМ) ДАВЛАТ НАРХЛАРИДА НАҚД ПУЛГА

ҚЎИДАГИ ИШЛАРНИ ТЕЗ, ПУХТА ВА СИФАТЛИ

АМАЛГА ОШИРАДИ

- Очiq автомобиль турар жойлари ва гаражлар қури-лиши;
- хусусий ўйлар, боғ уйлари ва участкалар қурилиши;
- квартиралар ремонтни (деворларга гулроз ёпишти-риш, бўяш, қошиқорлик ва шунга ўхшаш ишлар);
- квартираларни қимматбаҳо ёғоч, замонавий миллий нақшлар, расмлар билан безаш;
- дураторлар буюмларини (дараза, эшик ва балкон рамаи, плитуслар, налчиқликлар ва ҳоказолар) тайёр-лаш;
- тахта пол, паркет тўшаш, шипларга фанер қоқиш ва уларнинг ремонтни;
- томларга тунука қоқиш, шифер ва руберонд қо-лаш;
- металл эшиклар ва дарвозалар тайёрлаш ҳамда уларни ўрнатиш.

ҲАММА ТУРДАГИ ИШЛАР 3-РСМ МАТЕРИАЛИ-ДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

Ўз материаллари бўлган буюртмачиларга бошқарма ремонт ишларини амалга оширишда қўмак беради.

Адрес: Тошкент шаҳри, 21-алоқа бўлими, Олмазор кў-часи, 67-уй (метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси). Телефонлар: 44-35-13, 44-28-85, 44-28-65.

Редактор ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қури-лиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 32-08-74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58-85; фан ва ўқув юртилари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тар-бияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-5; халқаро ва оммавий ишлар — 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

ТОШКЕНТ ОҚИМОИ Узбек ва рус тилла-рида мустакил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқишони» («Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбе-кистана и городского Совета народных депутатов. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Ки-зил Байроқ ордени бошмақаси. Тошкент шаҳри.